

**«K A F O L A T»**  
**Davlat - aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi**  
**aksiyadorlik jamiyati**

---

**БУЙРУК**

Тошкент ш.

№ 77

«28» 05 2015 йил

*Компания тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисида*

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш, Компания тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини ташкил қилиш ва бу борада фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. «Kafolat» davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi aksiyadorlik jamiyatida жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси (И.Каримов) «Kafolat» davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi aksiyadorlik jamiyatida жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича Низомни Компаниянинг интернет тизимидаги корпоратив веб-сайтида ([www.kafolat.uz](http://www.kafolat.uz)) жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

3. Компания Бошқаруви ва Компаниянинг Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва «Андеррайтинг Маркази» филиаллари раҳбарларига ўз иш фаолиятларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишини амалга оширишда:

- «Kafolat» davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi aksiyadorlik jamiyatida жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича Низомга катъий риоя қилиш;

- Низомнинг 1-илоvasи - Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш схемасига амал қилиш;


- Низомнинг 2-илоvasи - Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд этиш карточкаси юритилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4. Компания Бошқарувининг 2015 йил 31 мартда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги 2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-378-сонли Қонунининг «Kafolat» DASK AJ тизимида ижросини таъминлаш бўйича вақтинча Тартиб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу буйруқни амалиётга тадбиқ этиш учун, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва «Андеррайтинг Маркази» филиалларига етказилсин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш компания Бошқарув раиси биринчи ўринбосари Р. Нарзуллаев зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси



С.Насретдинов